


(Боши 1-бетда)

Конференцияни кириш сўзи билан оған Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқ...



риш маркази Бош директори Ш.Нурматов аграр ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш шариоитида деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш масалаларига тўхтади. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиқ фанлари доктори О.Ўқубжонов, Олий Мақсис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари Б.Олимжонов, Аграрно-иқтисод таркибига кирувчи бир қатор идораларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, олимлар қатнашдилар. Конференцияда сўзга чиққан О.Ўқубжонов мамлакатимизда деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришга тамаал тоши йўлбошчимиз Исроим Каримов томонидан 1990 йилда деҳқонларга қўшимча ер бериш билан қўйилганлигини, бу муҳим ишга доимий эътибор бериб келинаётганлигини таъ...



кидлади. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси раиси Э.Қурбонов, "Ўзгросуғурта" компанияси бошқаруви раиси П.Қазиев, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси С.Қобилов, "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" компанияси раиси А.Ахметов ва бошқаларнинг маърузаларида деҳқон хўжалиқларига хизмат кўрсатишининг кўпгина жаҳалларидан тажрибали ишларни янада такомиллаштириш юзасидан қўлаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди.

Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти директори Р.Хусановнинг "Иқтисодий эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шариоитида деҳқон хўжалиқларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузаси конференцияда катнашчиларда катта кизиқиш уйғотди. У деҳқонларга эркинлик бериш, улар ўз хўжалиқларини оёққа турғазиб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш жараёни йўлбошчимиз Исроим Каримов мамлакатга раҳбарлик қилишга киришган дастлабки пайлардан оқиб бошланганлигини таъкидлади. Уша пайтда кўпгина қаршиликларга қарамай шахсий хўжалиқ юриши учун деҳқонларга қўшимча ер берилди. Бу бозор муносабатларига ўтишининг мураккаб шариоитида оила бюджетини мустаҳкамлашда, аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда жуда кўл келди. Бу жараён босқичма-босқич ривожлантириб борилиб, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Улар 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилди. Барча савийа-ҳаракатлар ўзининг катта самарасини бермоқда. Бундан кўнундаги таҳлиллар ҳам тасдиқлайди: 1985 йилда шахсий томоғқа эгалари тасарруфиди атиги 125,8 минг гектар ер мавжуд эди. Бу умумий ер майдонининг бор-йўғи 3 фоизини ташкил этар эди. 2003 йилга келиб эса деҳқон хўжалиқларининг ер майдонлари 667,3 минг гектарга етди. Бу умумий ер майдонининг 16,5 фоизига тенгдир. Бугунги кунда 500,9 минг гектар суғориладиган ер деҳқон хўжалиқлари ихтиёрига бериб қўйилганлигининг ўзи улар учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини тасдиқлайди.

етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг 89,1 фоизи деҳқон хўжалиқлари улушига тўғри келаётганлиги ҳам бунга тасдиқлайди. Хозирги пайтда деҳқон хўжалиқлари тасарруфиди 3 миллион 226 минг бошдан зиёд қорамоллар мавжуд. Бу йўналишда ҳам йилдан-йилга сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. Шу билан биргачи шилиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина. Хусусан, ҳар бир сигирдан йилга соғиб олинаётган сўт 1603 литрни, ҳар ўз сигирдан олинаётган буюқлар сони 54 бошни, қорамолларнинг бир кеча-кундуздаги семирлиши эса ўртача 370 граммни ташкил қилмоқда. Ана шу кўрсаткичларни сезиларли даражада ошириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун энг аввало чорва

Маълумотларга кўра деҳқон хўжалиқларида қарийб 8 миллион киши иш билан таъминланган. Бу деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга кўрсатади. Уларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги аҳолининг ана шундай ноз-неъматларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришда ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ:

ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК

КАЛИТИ - МАНФААТДОРЛИКДА


Шу билан бирга деҳқон хўжалиқлари даромад олишининг ва иш жойлари билан таъминлашнинг қўшимча манбаи бўлиб қолди.

Мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот, картошка, мева, узум, чорвачилик маҳсулотларининг 65-90 фоизидан зиёди деҳқон хўжалиқлари хиссасига тўғри келаётганлиги уларда айнан шу йўналишлар жадал ривожланаётганлигидан далolat беради. Кейинги йилларда Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида плёнка остида эртанги сабзавот етиштириш борасида катта тажриба тўпланди. Хусусан, Андижон вилоятида кичик иссиқхоналар қурилиб,



5 сотих ердан йилга 1-1,5 миллион сўм даромад қилишмоқда. Шу ўринда туман ҳокимиятлари эътиборини омиқкорлик билан деҳқончилик қилиб, оиласи бюджетига катта даромад келтираётган ва эл-юртин мевасабзавот билан сероб қилаётган тадбиркорларга амалдаги қонунлар доирасида қўшимча ер бериш масаласига қаратиш мақсадга мувофиқдир. "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида "Ер участкасида оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига ... қишлоқ хўжалиги маҳ-


молларини озуқа билан таъминлаш масаласини оқилона ҳал этиш зарур. Деҳқон хўжалиги чорваси 10 шартли бошдан кўп бўлса, унинг ҳар бирига минтақаларнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда ўртача 004-008 гектаргача қўшимча ер ажрати берилса, муаммо ечимига эришилади. Шунингдек, чорвачилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжалиқлари учун сифати яхшилانган омухта емни оқилона баҳаланган нархларда сотиб олиш имкониятини яратиш ҳам тармоқ тараққиётига хизмат қилади. Деҳқон хўжалиқларига моллар зотини яхшилаш ва сунъий қонирчишда кўмаклашши, зооветеринария ва бошқа пуллиқ хизматлар кўрсатишни таъминлаш таъминлаш зарур. Шунингдек, ғўшт комбинатлари, сўт заводларининг деҳқон хўжалиқлари билан шартнома асосида ишлашини кенг асосларда йўлга қўйиш, маҳсулотларнинг харид нархларини бозор баҳо-ларига имкон қадар яқинлаштириш ва борадаги ишларни янада яхшилашга ёрдам беради.



Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти олимлари, мутахассислари деҳқон хўжалиқлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш мақсадида 11 та саволдан иборат анкета тайёрлаб, мамлакатнинг турли минтақаларига тарқатишди ва уларга жавоблар олишди. Жавоб берганларнинг 82,8 фоизи банк кредитларига муҳтож эканлиқларини, 91,4 фоизи маҳсулотни четга экспорт қилиш ғоят мураккаблиги ва бу жараёнда муаммолар кўпчилигини, 77,2 фоизи минерал ўғитлар, ёнилғи-майлар материаллари, бошқа ресурслар таъминоти

Мутахассислар томонидан тайёрланган анкетани "Қайси сервис хизмати турларига эҳтиёж сезаясиз?", деган савол ҳам бор эди. Деҳқон хўжалиқларининг кўпгина етакчилари чорва молларини зотини яхшилаш, уруғлик ва турли қўчалар билан таъминлаш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, чорва моллари учун омухта ем етказиб бериш, техника воситалари билан ер хайдаш, ҳосилни йиғиб-териб олиш сингари ишларни бажариш, маҳсулотларни сотишда кўмакла-

сига биоан деҳқон хўжалигини ташкил этиш ширкат умумий йиғилиши қарорига боғлиқ қилиб қўйилиши ва ажратилган ерлардан самара-



ли фойдаланиш ҳуқуқи ширкатга берилганлиги деҳқон хўжалигини муайян даражада қарам қилиб қўймоқда ва унинг иқтисодий эркинлигини чекламоқда. Зотан, деҳқон хўжалиги юридик шахс

да асосан катта ҳажмдаги тракторлар мавжуд. Деҳқон хўжалиқларининг кичик ер участкалари учун эса мини тракторлар етишмайпти. Конференцияда ечимини кутаётган муаммолар муокама этилиши билан бир қаторда деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш йўллари белгила олиш юзасидан ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Деҳқон хўжалиқларининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнига муносиб баҳо берган ҳолда шу йўналишдаги ишларни ривожлантириш дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган тақлиф киритилди. Ушбу ҳужжатда деҳқон хўжалиқларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қамраб олинши, амалга ошириладиган чора-тадбирлар ил-


мий-амалий жиҳатдан асосланши керак, деб таъкидланди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳузурида Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Б.Беркинов Термиз Давлат Университети ўқитувчиси А.Абдусаматов билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятида ўтказилган қимматли тажрибага тўхтади. 2003 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ушбу вилоятда 322,2 мингдан ошмиқ деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг ер участкалари 37,6 минг гектарни ташкил этади. Вилоятдаги ялли қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 65,2 фоизи деҳқон хўжалиқларида етиштирилмоқда. 202 деҳқон хўжалиги раҳбарларига анкета саволлари тарқатилиб, олинган жавоблар фойдаланилмаётган имкониятлар ҳали кўп эканлигини кўрсатди. Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, бир деҳқон хўжалигининг йиллик ўртача даромади 294,2 минг сўмини ташкил этаркан. Бу даромад 82,8 фоиз деҳқон хўжалиги оиласининг харajatларини тўла қопламайди. Шунинг учун ҳам анкета саволларига жавоб берганларнинг 84,8 фоизи қўшимча ер ажратиш масаласини қўриб қилиш керак, деган мулоҳазани билдиришган.



"Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" компанияси бошқарма бошлиқининг ўринбосари А.Усмонов ўз маърузасида деҳқон хўжалиқлари учун техника жиҳатидан сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган дастлабки ишлар

ҳақида гапирди. Тошкент трактор заводида Хитой билан ҳамкорликда мини тракторлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги деҳқон хўжалиқлари учун қувончли бўлди. 30 от қучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилиб, улар тиркаладиган ва осилладиган мосламалар билан таъминланган. Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда деҳқон хўжалиқларига ўн та йўналиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар доимий ҳаракатдаги


кўргазма-ярмаркаси ташкил этилганлиги эътиборга моликдир. Бу ерда 60 турдаги замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси, 150 дан ортиқ тур-



даги эҳтиёт қисмлар намойиш этилди. Туманларро тезкор қўчма механизациялашган бўлимининг ташкил этилганлиги деҳқон хўжалиқлари буюртмаси асосида ишларни бажаришда қўл келаяпти. Шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстириш мақсадида виллоятда ўқув маркази ташкил этилди. Сервис хизмати кўрсатиш соҳасидаги ана шу тажрибанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа виллоятларда ҳам қўлланиши деҳқон хўжалиқлари оғирини энгил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Конференцияда сўзга чиққан Қорақалпоғистон Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори Ж.Медетуллаев, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш

маркази бўлим бошлиғи, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Р.Назаров, Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоиди Н.Хўшматов ва бошқалар деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг турли қирраларига тўхталиб, ўзларининг қимматли тақлиф-мулоҳазаларини билдиридилар. Анжуман танаффусида ҳам деҳқон хўжалиқларининг муаммолари ҳақида фикр алмашувларининг давом этиди. Сўхбатдошларимиздан бири шундай деб қолди: "Конференцияда олимлар, деҳқон хўжалиқлари билан бевосита иш олиб борадиган тармоқларнинг вакиллари катнашиб, сўзга чиқишмоқда. Уларнинг барча фикрлари, мулоҳазалари, менга маъқул. Қанийди, улар билан бирга мамлакатимизнинг турли минтақаларидан уч-тўрт нафар деҳқон хўжалиқлари етакчилари ҳам шу анжуманда иштирок этишиб, ўзларининг тажрибалари билан ўртоқлашиб, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг раҳбарларига эътирозларини билдиришса, ечимини кутаётган муаммоларни ўртага ташлашса, нур устига аъло нур бўлур эди. Ана шунда конференция янада жонланар, деҳқон хўжалиқлари етакчиларининг орзу-интилишлари, режалари билан биз - катнашчилар бевосита танишган бўлар эдик". Бу ўринли мулоҳаза келгуси анжуманларни ташкил этишда ҳисобга олинади, деган фикрдаимиз.



Конференцияда қабул қилинган якуний ҳужжатда мутахассислар томонидан билдирилган барча тақлиф-мулоҳазаларни умумлаштириш ҳолда юқори ташкилотларга

ҳавола этиш, деҳқон хўжалиқларини яқин келажақда ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда улардан фойдаланиш сингари амалий чора-тадбирлар белгиланди. Улар шу йўналишдаги ишларни тараққий эттиришга хизмат қилади.



С.САЙДАЛИЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Б.АКРАМОВ олган суратлар



"ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

"BBC News"нинг хабар беришича, Исроил ҳукумати АҚШ, Россия, БМТ, Европа Иттифоқи томонидан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" дея номланувчи лойиҳани қабул қилган.

Бош вазир Ариэл Шарон бошчилигида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишидаги баҳс-мунозаралар 6 соат давом этган. Гарчи 12 нафар вазирнинг 7 нафари қарши чиққан бўлса-да, лойиҳа қабул қилинган. Чунки, бу Исроил - Америка муносабатларига ҳам хизмат қилиши назарда тутилган. Фаластин мухторияти эса бу лойиҳани алақачон қўллаб-қувватлаган эди. Яқин кунларда эса Қўшма Штатлар президенти Жорж Бушнинг Исроил ва Фаластин ҳукуматлари раҳбарлари билан учрашуви кутилмоқда.

ЭРОН - АҚШ МУНОСАБАТЛАРИ КЕСКИНЛАШМОҚДА

АҚШ ҳукумати ўзининг Эрон билан йўлга қўйилган барча алоқаларини тўхтатиш, дея хабар беради "The Washington Post" газетаси.



Оқ уйнинг бундай йўл тутишига Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёда юз берган террор актларида "Ал-Қоида"нинг Эрондаги бўлимининг қўли борлиги ҳақида олинган разведка маълумотлари сабаб бўлган. Бугун Жорж Буш маъмурияти Эрон билан келгуси муносабатлар ҳақида кенгаш ўтказди. Вашингтоннинг таъминчида, Афғонистонда Талибон ҳукумати ағдарилган, "Ал-Қоида"нинг айрим аъзолари Эронга яширинишга муваффақ бўлганлар.

Мамлакат телевидениеси орқали чиқиш қилган Эрон ташқи ишлар вазирини Камол Хоррозий эса расмий Тейхрон "Ал-Қоида"га қарши жиҳдий курашиб келганлигини ва хозирга қадар унинг бир неча аъзолари ҳибсга олинганлигини урғулаган. Унинг айтишича, Тейхрон ўзи учун ҳам жиҳдий ҳарф саналган "Ал-Қоида"га қарши кураш бошлаганида, Америка бу борада энди режа ишлаб чиқаётган эди.

ТОРОНТОДА ЯНА SARS ПАЙДО БЎЛДИ

Канаданинг Торонто шаҳрида яна уч киши SARS касали туфайли ҳаётдан кўз юмди ва мамлакатда ушбу хавф туфайли ҳалок бўлганлар сони 27 кишига етди.

Канаданинг молиявий пойтахти саналган Торонтода 19 апрелда илк бор SARS билан боғлиқ ҳолат кузатилган ва шаҳар яна Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан саҳхатларга бориш тавсия этилмайдиган "қора рўйхат"га кирган эди. Хозир мамлакат бўйича 500 дан ортиқ киши карантин ҳолатида сақланмоқда.

SARS энг кўп тарқалаётган мамлакатлар сирасига кирувчи Тайванда эса 22 та янги ҳолат кузатилган ва 12 киши ҳаётдан кўз юмган. Шу билан Тайвандаги касаллар сони 570 кишига, ҳалок бўлганлар сони эса 72 кишига етган. Хитой эса Тайванга SARSга қарши курашда иқтисодий ёрдам бериш тақлифи билан чиққан.

ТУРКИЯДА САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Украина фавқулодда ҳолатлар вазирлигининг тасдиқлашича, кеча Туркиянинг Трабзон шаҳри ҳудудида ҳалокатга учраган "Як-42" русумли самолёт Украинанинг "Ўрта ер денгизи авиалинияси" компаниясига тегишли.

Маълум бўлишича, Афғонистондаги ўзларининг тинчликпарвар миссияларини адо этиб, уйларига қайтаётган 62 нафар Испания аскарларини олиб кетаётган "Як-42" Туркияга ёнилғи қўйиш учун тўхтади керак эди. Бирок калин туманлиги боис, самолёт икки бор қўнишига ҳаракат қилган, лекин учинчи гал фожиа юз берган. Испан аскарларидан ташқари самолётда 12 кишилик экипаж аъзолари ҳам бор эди. Хозирда қўтқарувчилар гуруҳи 25 кишининг жасадини топган, дейилади "Новости" ахборот маҳкамаси хабарларида.

ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ТУГАДИ

Қарийб бир ҳафта аввал Жазоирда юз берган 6,8 балли ер қимирлаши боис, ҳалок бўлганлар сони 2200 нафарга, жараланганлар сони эса 8965 кишига етди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

Бирок, мутахассислар қўрбонлар сонининг 3 минг кишига етишидан хавотирланмоқдалар. Хозирда вайронлар остидан тирик қолганларни қўтқариб олиш ишлари тугатилиб, ҳалок бўлганларнинг жасадларини топиш ишлари давом эттирилмоқда. Кузатувчилар эса ҳазонинг 40 даражада исииши боис, аҳоли ўртасида юкумли касалликлар пайдо бўлиши мумкинлигини маълум қилганлар. Эслатиб ўтамиз, 1980 йили мамлакат гарбида юз берган ер қимирлаши уч минг кишининг умрига завоаб бўлган эди.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 27 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /

Table with 3 columns: Currency, Exchange Rate, and Value. Includes entries for Australia, England, Denmark, etc.

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БАССЕЙНДА ТЎП ТЕПСА БЎЛАДИ...МИ?

"Семург" мажмуидидаги спорт-соғломлаштириш гуруҳлари болалар билан гавжум. Сузиш бўйича ўтказилаётган машғулотларда эканлиги сезилди. Бу бежизга эмас, албатта.

Хизматига синовлардан ўта олишди. Улардан умидимиз катта. Масаланинг эътиборли томони шундаки, Қоровулбозорни истисно этганда қишлоқ тугул туман марказларида ҳам бундай ишчилик учратиш мушкул. Шу боисдан бўлса керак, вилоятда бошқа турларга нисбатан сузиш спортини ривожини сусти. Бу ҳақда "Универсиада-2002" мусобақаларига тайёргарлик жараёнида ҳам кўзга ташланди. Нуфузли мусобақага мезбонлик қилган Бухороликларга сузиш бўйича

МУАММО

вилоят терма жамоаси таркибини шакллантириш осон кечмади. Масаланинг яна бир жиҳати сувиш спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатига ҳисса қўшилган бўлар, бухоролик ўқувчиларнинг сузиш бўйича таълим олиши керак. Хатто тўловли соғломлаштириш гуруҳларига аъзо бўлиш ниятидаги ёшлар она-болалар қўлайгани қўзғатиш керак. Мураббийлар эса етишмапти. Вилоят

жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси олий ўқув юртири билан ҳамкорликда бу масала ечимини топса ҳақиқ бўлмасди. Яна бир гап. Сувиш спорт хазиналари барпо этиш маблаг билан боғлиқ масала. Аммо уларнинг мавжудлигини ҳам оқилона фойдаланишга, дейиш қийин. Масалан, Бухоро шаҳридаги олимпияда ўринбосарлари мактаб-интернатига қарашли спорт-соғломлаштириш маркази бассейнидан ўтган йилги мавсумда умуман фойдаланилмади. Айтишдан, бу йил ҳам шу ҳол такрорланади. Сувиш, ҳайҳотдек бу ҳавзада ҳозир болалар тўп тегиш билан машғулликни кўриб шундай ўйга борасан, киши.

Дарове, йилриқ қишлоқларда чорқор сув хазиналари барпо этиб, болаларни шакар сузиш техникаси билан таълим олиши керак. Бунинг учун жуда катта маблаг талаб этилмайди. Уни ҳашар йўли билан бақарса ҳам бўлади. Шундай қилинса, ҳукуматимизнинг болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатига ҳисса қўшилган бўлар, бухоролик ўқувчиларнинг сузиш бўйича таълим олиши керак. Хатто тўловли соғломлаштириш гуруҳларига аъзо бўлиш ниятидаги ёшлар она-болалар қўлайгани қўзғатиш керак. Мураббийлар эса етишмапти. Вилоят

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

ДЎСТ АЧИТИБ ГАПИРАДИ

(Боши 1-бетда)

Уй соҳиби дастурхон кўтариб кирди. Катта патнисга териб чиқилган мева-чеваларни дастурхонга ҳафсала билан қўйиб чиқди. Чойни қайтариб, нонни ушатиб.

Марҳамат, дастурхонга қараглар! - Кайфиятинг яхшими? - Эштемир уй соҳибининг юзига тикилди.

Тану жонинг соғми? Кўзларинг кир-тайиб қолибди? - Чумолидан сўраган эканлар, - жилмайди уй соҳиби, - нега белинг ингичка, деб. Чумоли жавоб берибди: меҳнатнинг зўрлигиндан. Ишим оғир. Бунинг устига, рўзгорининг иқриқ-иқриқ ишлари қишининг танини кемираркан.

Тоштемир уй соҳибининг баҳонасини тан олмайди. - Бу баҳонангга қўшилмайман. Бизлар жондай бир дўстинг бўлсак... Яшириб нима қиласан?

Уй соҳиби меҳмонларнинг нима мақсадда келганини аниглаб, жилмайиб қўйди. - Ичмай кетганимга олти ой бўлди-ю... Эшитган гапга ишонмасангизларми? Йилгинг лафзи ҳалол. Қўлимга олмайман деб қасам ичганман.

Уй соҳиби эшик томонга ҳўроздай бўйинини қўзиб, бақирди. - Иззат, ў-ў Иззат, онангга айт, шўрасини сузиш.

Эштемир зимдан Тоштемир билан кўз уриштириб қўйди. - Ҳа, оламда нима гап? Янгиликлардан гапир. Сен матбуот одамисан. Дунёнинг хабарлари биринчи бўлиб сизларга етиб келади. - Гуруннинг худудини кенг олиб гапирди Эштемир.

Уй соҳиби "бир дақиқа" деди-да, ўриндан туриб, нариги хонага ўтди. - Жуда бесаборсан-да, - Эштемир Тоштемирни койиди. - Кайфиятини бузмайлик. Шовилмасанг бўларди.

Тоштемир уй соҳиби бармоқлари орасига қисиб олганча ун шиса ароқни дастурхонга қўйди. - Атайин қимматидан харид қилувдим. Сизларга буюрган экан.

Тоштемир ароқни қўриб афтини буриштирди. - Дастурхондан олиб қўй. Ароқ ингани келганимиз йўқ. Шавхан мен ичиш ўқда турсин, уни қўлимга ҳам олмайман.

Эштемир ютиниб олиб, йўлдошига вазминлик тилади. - Қизаксан-а, Тоштемир. Дастурхоннинг зийнати-ку бу, ичмасанг, биров босиб озингдан қуямиди?

Уй соҳиби ишчаларнинг биринчи қўлга олиб, тикунини ҳафсала билан оча бошлади. - Каранг-а, бир ароқни озги тўрт қават... бир кепсизлар... Икковинг сирдос дўстим бўлсаларинг... Сизлардан азиз ода-

мим борми?

Уй соҳиби зар гулли пиёлаларга ароқни қўйиб, газак олиб келиш учун ошхонага чиқди.

Ув-ув - Эштемир Тоштемирга энгашиб шивирлади. - Итлик қилма. Бир сўм пул топишинг қийинлигини биласан-ку? Зиёфатга қара. Ичмасак ҳафса бўлади. Бир-бир қўлдан олиб, сўнгга оромидан гапни бошлаймиз. - Дадиллик учун юз грамм" деганлар-ку. Гап таям. Бир пиёла олсан.

Авал бир дейсан, кейин икки, уч... Қарабсанки, биринчиси кейингиларини эрғаштира бошлайди. Насихат қиламиз, деб...

Уй соҳиби меҳмонларни қиастди. - Кўнгул кетди. Бўёғи байрам. Соғлиқ учун. Қани, дўст бўлсаларинг бир қўлдан олинглар.

Фақат бир қўлдан. Сазанг ўласин... Олди.

Учинчи пиёлани ичиб, газак қилган Тоштемир, муддага ўтди. - Сақизта боланг бор. Ичиб қўча-қўйда гандирақлаб юришинг шавхан менга ёқмайди. Уял, дўстим. Ароқ кимга дўстлик қилган. Шу зорманднинг қасридан Бозор майиб бўлди, Чорини хотини ташлаб кетди, Панжи дуппа-дуруст ишдан ҳайдалди. Хурматинг бор. Маст-аласт юрсанг, об-рўйингдан айрилсан. Бу савил ишчаннинг ичиди тек турлади, холос.

Уришишга ҳақтаринг бор, - деди наватдаги ароқни очиб пиёлаларга қўётган уй соҳиби. - Гапларингиз малол олмайман. Лекин, чин сўзим, ичинши бутунлай ташлаганман.

Энди буни ичадиган бўлсак, - Эштемир узатилган пиёлани қайтарди, - кайф қилиб қолмади. Кичкина пиёлангаги тишиминг орасидан сизиб ўтмаяпти. Каттароқ пиёланг йўқми?

Бўлди, - Тоштемир қўлини кўксига босди, - ками қолмади. Шакаринг ҳам ози яхши. Узинг чиндан ҳам ичмаясанми?

Чин сўзим... Ташладим. - Индама, - Эштемир Тоштемирга пўписа қилди. - Ташлаб тўғри қилди. Дўст учун мана биз ичамиз.

Мен хар кимга ҳам зиёфат беравермайман, - катта пиёланинг зарҳал чизигича етказиб ароқдан қўйди уй соҳиби. - Шошаётган жойларинг бўлмас... Эрмакда, эрмак. Гуруннинг кавири.

Эштемир дўстининг илтифотидан мамнун бўлди. - Ичмасак ҳафса бўласанми? - Албатта, ҳафса бўламан-да. Яна нима дейман. Зорим бор, зўрим йўқ.

Икковини ишчанни тутатганларидан сўнг Тоштемирнинг кўз жоналари кичрайиб, совуқда қолган йўловчидек, гапирадиган гаплари қовушмай қолди.

Ув-ув. Эш-ште-мир-р, - қўлини бигиз қилди у, - ич-чмай-йман-н де-ега-ним-мда-а, хик... ичир-ртир-рди-инг. Эш-нди, бў-ўлар-ри бў-ўл-ди. Емон-ндан ёрт-ти, де-еган-нлар-р. Қол-лма-асин-н. Учин-ичи-иси-ини-и ҳам-м о-о-ч. Бир-р тў-ўй-й-й-й-й-й.

Тоштемир лик тўла пиёлани қўлига оларкан, деди: - Сенга жуда кўп гапларинг бор эди. Аммо бу дафва... Хик... - Тоштемир чап қўлини силжитганига, ўнг қўлидаги ароқ чайқалиб, бироз тўқилди.

Ме-ен ҳа-ақи-иқи-йй дўс-стинг-ман-аа? Ич-чки-иллик-к одам-ми хор-р қил-лади-и, зор-р қил-лади-и, хик... Тоштемирнинг айтган гапи шу бўлди. У бир ёнбош бўлиб, бошини ёстиққа қўйди. Шу қўйи ухлаб қолди.

Тинч қўй, ухласин, - Эштемир гердайдди. - Айқдай жасади дўргон билан, ичи пўсқа бўш. Ароққа барған ўзини олдиради.

Энди шу қолмасин, - уй соҳиби Эштемирни «пўф» лади. - эшитганлар уят қилади, «Эштемирдан ароқ ортиб, қолибди», деб.

Эштемир шийинди. - Узинг биласан, ароққа катта гапирман, урдасидан чиқаман. Бир яшиқ ичсам ҳам пинагим бузилмайди. Тоштемирдан қолганини ҳам пиёламга қўй, бунинг уюли бор, ҳа, лекин сен бола ичма.

Эштемир лик тўла пиёлангаги ароқни бир кўтаришда қурбақа пашшани ютгандек ютиб юборди. Жигдилонга тикилиб шекилли, ўқиб-ўқиб, аранг нафасини ўнгалди. Сўнгга, қўзига уйқу тикилиб, гавдаси бир томонга оға бошлади.

Кечир-р ме-ени, - бошига ёстиқ қўйиб гурданга Эштемир. - Насихатларимни ол. Ув-в бо-ола, сенга айта-адиган-н қўл-п гап-лар-рим бор. Ув-в, се-ени-и, эс-синг-гда-ан ич-кма-ай-ди-и-ган қи-йилиб бир-р ур-ма-аса-м, Эш-темир-р дў-ўс-стинг-г эмас-ман-н. Кў-ўз-зинг-ни оч-ч. Хў-ўп-п-ми-и?

Эштемир гавдасини кўтармоқчи бўлганда уй соҳиби елкасидан босиб тинчлан-тирди. - Қўзим очик, очик. Сен тинчлан-да, дам-мингин ол.

Мени би-ила-аса-н-а, - силкинди Эштемир, - жаҳ-хлим-м ё-ёмо-он. Та-аги-н ме-ени ма-аст де-еб-б ўйла-ма-а. Ич-ки-и бу-ун а-ароқ-к бер-р-санг-ам ха-ёлим-м бу-узил-п-май-ди. Хўп-п-ми-и?

Уй соҳиби Эштемирнинг гапларини маъқуллай - маъқуллай, уни тинчланди. Елкасидан оғир бир юкни ерга қўйган-дек қаддини ростлаб, кўкрагини тўлдириб нафас олди.

Турсунбой БОЙМИРОВ

ҚИШЛОҚИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИМИ?

Тўрткўл шаҳрининг шундоққина биқинида Уллибоғ қишлоғи жойлашган. Мазкур қишлоқда бўлганимизда унинг нега шу ном билан аталишига қизиқдик. Чунки "Уллибоғ" - туркий икки сўз: улли - улуг (улкан) боғ, яъни улкан боғ деган маънони билдиради.

УЛЛИБОҒ

Тарихий манбалар, қўлни кўрган кишиларнинг айтишича, Уллибоғ қишлоғи ўрнида дастлаб овчилар чайқалари бўлиб, Қизилқумга тутташиб кетган экан, - дея изох беради Уллибоғ овул фуқаролари йиғини оқсоқоли Зийнат Эшоннов. - Кейин 40 таноб ерда боғ яратилган. Бу Хива хони Оллоқулихон (1825-1842 йиллар) даврига тўғри келади. Хоннинг Султон исмли ўкаси бўлиб, у Аму-дарёнинг ўнг қирғоғига Хива хонининг махсус вақили - иноқ (ҳожим) қилиб тайинланади. Ўзи билан Саид Мушриф исмли эроний қўлни мулозим сифатида ҳамроҳ қилиб олиб келади. Султон иноқ тегишли одамларга боғ барпо қилиш учун серхосил ерларни танлашни буюради. Танобчилар 100 таноб (40 гектар) энг серхосил ерларни танлаб, режа асосида боғ яратиш юмушларини бошлаб юборади. Бўлгуси боғ ичидан эни 3 метрлик тўртта ариқ қазилади. Улар бир-бири билан тутташади. Ариқларнинг бўйига олма, узум, шафтоли, ўрик, наштави, зардоли сингари турфа хил аъло навали мевали кўчатлар тайинланади. Дархатларни Хоразмнинг энг тажрибали боғбонлари парвариш қилган. Марказий ва тўртта кичик ҳовузал атрофида гуҷумлар ўтказилган, гулзор қилинган. Ариқларда эса кемалар бемалол сузиб, пишган мевалар шу кемалар кўмағида териб олинган. Уллибоғқа дастлаб Оллоқулихон мулозимларию хеш-акраболари билан, кейинчалик Саид Мухаммадхон, Мухаммад Раҳимхон Ферузлар келишиб хордик чиқаришган. 1886 йили май ойида Туркистон генерал-губернатори Н.Розенбах ҳам бу боғда бўлиб, ўлкамиз табиати-нинг нақадар гўзаллигидан ҳайратта тушган.

"Яхшидан боғ қолади" деганлари шу-да! Абдурахмон ИСКАНДОРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

SPORT OLAMIDA

АЛАМЛИ МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоғи чорак финал баҳсларининг тақрири учрашувлари мутахассислару ишқибозлар учун қўлимизга натижаларни тўхфа этди.

Авалло, чорак финал учрашувларининг дастлабки баҳсларида Фарғонада Қаршилик "Насас" жамоасини енгган Юрий Саркисан шогирдлари нима учундир Қаршида мезбонлар ҳужумларига дош бериша олмади. Ҳаммани ҳайратта солган жиҳат, "Нефтчи"нинг ушбу ўйинда ўз дарвозасидан жавоб тўписиз 5 та гол ўтказиб юборгани бўлди. Ва бу алам-фитнал мағлубият сабабли фарғоналик футболчилар ярим ни давом эттириш



нинг меҳмони бўлган Терсигарчанд 0:3 ҳисобида мағлубият аламини тотиб кўрган бўлса-да, биринчи учрашууда эришган 5:1 ҳисобидаги ғалаба тўғрисида ярим финал беллашувларини давом эттирадиган бўлди. Жиззахда кечган "Сўғдиёна" - "Пахтакор" учрашувида қўнғилик тошкентлик футболчилар ғалаба қозонишларига шубҳа қўлмаган эди. Бирок, "майдон текис, тўп юмалок" деганларидек, мезбонлар бу сафар рақибларига муносиб қаршилиқ кўрсата олмади. Гарчи, учрашууда бироз устулик қилган бўлсалар-да, "Пахтакор"чилар мезбонлар билан мурооса йўлини танлашга мажбур бўлишди. 1:1 ҳисобидаги дуранг билан яқунланган ўйинда дарвозаларга тўғрилари Гочқулиев ("Пахтакор"), Алиқулов ("Сўғдиёна")лар киритишди.

Яқшанба кўни ўтказилган "Навбахор" - "Бухоро" учрашувида наманганликлар 7:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Полвонлар гиламга чиқишди. Бухоро вилоятининг Жандор туманида машҳур полвон Ориф Обидов хотирасига бағишланган кураш турнири бўлиб ўтди.

Қувонарли жиҳати, ушбу беллашувларда ишқибозлар номдор полвонлар Камол Муродов, Фарход Тўраев, Рамзиддин Саидов, Сиддик полвонлар билан бирга эндигина етишиб келаётган умидли ёшлар ўйинларини ҳам қузатиш имконига эга бўлишди. Мусобақа якунида голиблик Камол Муродовга насиб этган бўлса, Фарход Тўраев иккинчи, Бобур Очипов учинчи ўринларни эгаллашди.

Солиқчилар ҳам спортни севади. Кейинги йилларда ҳар бир тармоқ вакиллари жамоалари иштирокида ҳам турли хил спорт мусобақалари уюштирилаётгани қувонарли ҳол.

Яқинда Республика Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан пойтахтимизда мазкур қўмита қошидаги солиқ коллежлари жамоалари иштирокида аънаввий спартакиада беллашувлари ўтказилди. Спортнинг футбол, теннис, кўпкураш турлари бўйича ташкиллаштирилган ушбу баҳсларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар жамоалари голиблик учун кураш олиб боришди. Муроосасиз, кескин баҳсларга бой ўтган мусобақалар якунида эса биринчи ўринни фарғоналиклар қўлга киритишган бўлса, Бухоро ва Тошкент шаҳри жамоалари иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Маҳалларда беллашуви. Навоий вилоятининг Хатирчи туманида ёшлар мураббийси Истам Расулов хотираси учун спорт мусобақалари ташкиллаштирилди.

Туман ҳокимлиги, туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорликларида "Камолот" ёшлар икчимой ҳаракати ташкил этилганлигининг икки йиллиги муносабати билан уюштирилган шожўт, шавша, мини-футбол, қўл тўти, кураш беллашувларида тумандаги 20 та маҳалла жамоалари голиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақа якунида рақибларидан кўра маҳоратли ўйин намойиш этиб кўп очко жамғарган Жумакул Хамроев номли маҳалла жамоасига биринчи ўрин насиб этди.

Бейсбол оммалашади. Яқинда АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бейсбол федерацияси ташаббуси билан бу йилги Ёшлар лигаси бейсбол чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда АҚШнинг мамлакатимиздаги Факуллодда ва муктор элчиси Жон Харбест. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг президенти А.Носиров, Ўзбекистон Бейсбол федерациясининг икковчи котиби Р.Абдуқодиров, Қозоғистон ёшлар лигасининг президенти Ричард Скунерлар иштирок этишди. Халқаро миқёсда уюштирилган бейсбол турнирида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўсмирлар терма жамоалари ўзаро беллашди. Марказий Осиё кубоғи соворндорини аниқлаш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу баҳсда мамлакатимиз вакиллари меҳмонларни 7:2 ҳисобида мағлуб этишди.

Дарове, АҚШда баскетбол ҳамда футболдан кейинги ўринда турувчи бейсбол билан Чилонзор туманидаги 195-мактаб ўқувчилари мунтазам шуғулланишмоқда.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимияти томонидан 1996 йил 21 августда Артикаво Гульзада Мамаджанова номига берилган 09-01/6940 рақамли квартира ордери йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Давлат статистика органлари томонидан 1996 йили Тошкент вилояти "Динчо" жисмоний-тарбия ва спорт жамаиатига берилган қоллар қайд этилган гувоҳнома йўқолганини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улўғбек туманидаги "Гарак" ҳўжалиги корхонаси тугатилди. Даволат эълон босилган кундан бошлаб икки ой давоминда қабул қилинади. Тел:67-58-81.

ТАРИХИМИЗ

Ёшлар нигоҳида

Республика таълим марказида "Тарихни билмай, келажакни қуриб бўлмайди", "Ўзбекистон тарихи саҳифалари: истиқлол сари машаққатли йўл" мавзуларида ўтказилган икковчи ишчалар танлов маросими ўтказилди.

Танлов ақналарига кўра "Тарихни билмай, келажакни қуриб бўлмайди" йўналиши бўйича 1-ўринларни андижонлик Юлдуз Абдуллаева, бухоролик Иброҳим Абдуллаева, Жиззахлик Эҳсон Оққулов эгаллади.

"Ўзбекистон тарихи саҳифалари: истиқлол сари машаққатли йўл" йўналиши бўйича эса 1-ўринларни андижонлик Дилбарой Мамархонова, хоразмлик Лайло Матназарова, бухоролик Нигора Жумаева қўлга киритди.

"Туркистон-пресс"



Яшилликка бурканган водий. Т.МАҲҚАМОВ олган сурат-лавҳа.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ

2003-2004 ўқув йили учун қўйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- Бакалавр йўналишлари бўйича: 1. Агрономия факультети 5620200 - умумий агрономлар (қундузги, сиртки) 5620100 - агроқимд ва тупроқшунослик (қундузги) 5620400 - қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилиги ва селекция (қундузги) 2. Иқтисодийёт факультети 5340100 - иқтисодчи (қундузги, сиртки) 5340900 - бухгалтерия ҳисоби ва аудит (қундузги, сиртки) 3. Агромухандислик 5540700 - инженер-механик (қундузги, сиртки) 5620500 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси (қундузги) 4. Ветеринария факультети 5640100 - ветеринария (қундузги, сиртки) 5. Зоотехния факультети 5620600 - зоотехния (қундузги, сиртки) 6. Қорақўлчилик факультети 5620600 - қорақўлчилик-технолог (қундузги, сиртки) 7. Касбий таълим 5140900 - касбий таълим (ветеринария-5640100) 5140900 - касбий таълим (агрономия - 5620200) 5140900 - касбий таълим (зоотехния - 5620600)

Магистратура йўналиши бўйича:

- 5А 620101 - тупроқшунослик, 5А 620201 - пахтачилик, 5А 620602 - ўсимликшунослик, 5А 340102 - тармоқлар иқтисодийети, 5А 340901 - бухгалтерия ҳисоби ва аудит, 5А 340201 - менежмент, 5А 640101 - ҳайвонларга таъхис қўйиш ва даволаши, 5А 640106 - ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси, 5А 640108 - паразитар касалликлар, 5А 640109 - юкүмли касалликлар, 5А 640111 - тренинг ва от касалликлари, 5А 620602 - наслчилик иши, 5А 620604 - ишқиччилик ва туячилик, 5А 620608 - қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчиштириш, кўпайтириши ва уларнинг селекцияси, 5А 620611 - қорақўл маҳсулотларини етиштириши, қайта ишлаш ва сақлаши.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ректор номига ариза, ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 3х4 см ўлчамдаги 6 донга сурат, ОВБ-У тиббий маълумотнома, паспорт ва харбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шавхан кўрсатилади. Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри М.Улўғбек кўчаси, 77-уй. Тел.: 34-33-20. Факс: 34-07-86.

КАЛЕНДАРНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ

Замбиялик Ричард Кунданин «каромати» шундаки, у бирор бир тарихий ёки қундалик воқеани ҳеч ўйланмасдан қачон, қайси ойда ва қайси кун содир бўлганини, ҳатто соатгача аниқ айтиб бера олади.

Ричард Кунданин бу хислатига ишонсизлик билдирган Буюк Британия олимпик Ричарддан имтиҳон олишди. У берилган саволларга бир ичиди қўйналмас-воб қайтарган.

Масалан, Африка бўйича иш олиб борган машҳур Давид Ливингстоннинг вафот этган санаси 1873 йил 1 май, чоршанба кўни эканини икки секундда айтиб бериб, олимпикларни ҳайратда қолдирди.

Ричарднинг қобилиятига тан берган олимпиклар энди унинг устида тиббий текширувлар олиб боришмоқда.

Камола ЗИЯЕВА Кидирбой ТЎЛАБОВ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

“ПАХТА БАНК”

Барча хоҳловчи шахсларга моддий бойликларингиз, ноёб буюмларингиз ва ҳужжатларингизни сақлаш учун анги қўлай хизмат тури “БАНК ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАРИ”дан фойдаланишни таклиф этади!

“БАНК ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАРИ”нинг ҳажмига мутаносиб равишда бир ой муддат учун атиги 900 сўмдан 2300 сўмгача хизмат ҳақи олади.

Банк қимматли буюмларингизнинг ишончли сақлалини ҳамда сир тутилишини таъминлаб беради!